УзССР Давлат китоб палатаси
Рус ёзмалар палатаси УзССР

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1994 йил 26 октябрь, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 49 (6637)

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос қийинчиликларини бартараф этишда мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳеч кимга сир эмас. 18-19 октябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган туркий тилли давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Туркия давлат раҳбарлари иштирок этган учрашув ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан бири сифатида кўпчилик эътиборини жалб этди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларида хабар берилганидек, бундан икки йил муқаддам Анқарада асос солинган туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иқтисодий, маданий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги учрашув якунларига бағишланган матбуот конференциясида кўплаб мамлакатларнинг журналистлари давлат раҳбарларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Президентимиз республикамиз телевидение ва оммавий ахборот воситалари журналистларининг учрашув натижалари юзасидан саволларига берган жавобида муҳокама қилинган масалалар манзарасини яққол ифодалади:

— Учрашув жуда юқори даражада ўтди. Унда катта ва ўзаро манфаатли масалалар муҳокама этилди. Йигирма тўрт банддан иборат муҳим ҳужжат — Истанбул Декларацияси имзоланди, — деди Ислом Каримов. — Таассуфки, четдаги айрим кучлар бу учрашувга шубҳа билан ёндашиб, унинг аҳамиятига соя солмоқчи бўладилар. Аммо масалага холис ёндошсак, кечмиши, тили, дини муштарак бўлган давлатларимизнинг бугунги ўзгаришлар жараёнида дуч келаётган муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳам бир хилдир. Бизнинг асосий мақсадимиз шуки, ҳар бир туркий давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ушбу қийинчиликларни бартараф этишда яқдил қарашларга эга бўлсин.

Президентимиз бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий тизимга ўтишдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён этди.

Ислом Каримов журналистлар саволига жавоб берар экан, Афғонистон — Тожикистон чегараларидаги можароларга алоҳида эътиборни қаратди. Бу хавф бартараф этилмаса, эрта бир кун унинг олови бутун Марказий Осиёни қамраб олиши мумкин, деди Президент. Бизнинг бу борадаги қарашларимиз БМТ ҳамда Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгашининг нуқтаи назари билан мос тушади.

Шунингдек, Президентимиз айрим мухолифларимизнинг бозор иқтисодига ўтиш давридаги қийинчиликлардан фойдаланиб, эски тизимга қайтишга даъват этаётганларга — мустақиллик йўлидан чалғитмоқчи бўлганларга кескин зарба бериш лозимлигини таъкидлади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарларининг 21 октябрь куни Москвада бўлиб ўтган мажлиси ҳам долзарб масалаларга бағишланди. Бу мажлисда ҳам Президентимиз мустақил республикалар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан аниқ таклифлар билан чиқди. Юртбошимиз ўзаро манфаатдорлик асосида мустақил давлатлар ўртасидаги интеграцияни йўлга қўйиш иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришига ишонч билдирди.

Москвадаги учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва амалга оширилаётган муҳим ишларнинг истиқбол дастурини акс эттирган меморандум имзоланди. Унда МДҲ га аъзо бўлган барча давлатлар иқтисодиётидаги тангликни бартараф этиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги айтилган.

Октябрь ойи мустақил мамлакатимиз ҳаётида давлатлараро алоқаларни ўрнатишга бой воқеалар даври сифатида тарихга киради деб ўйлаймиз. Зотан, 24 октябрь куни Президентимиз Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи бошланди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ярим йил ўтгач, — 1992 йилнинг март ойида Президентимиз Хитой Республикасига ташриф буюриб, иқтисодий, маданий, маърифий ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимларни имзоланганди. Ўз навбатида ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Пеннинг шу йилнинг апрель ойида республикамизга ташрифи чоғида ҳам ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 70 га яқин қўшма корхоналар ҳар икки давлат ўртасида иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон ва Хитой давлати ўртасида маданий-маърифий алоқалар ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига бу галги ташрифи ҳар икки давлат ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқларини очишига ишончимиз комил.

Ғафур МАННОПОВ.



Тил бойлиги халқ бутунлиги белгиси. Бу кун она тилимизнинг латифу дилраболигини кўз-кўз қилиб, авайлаб-асраб, ёш авлод қалбига сингдираётган фидойилар эъзозда. Ана шундайлардан бири Мупаррах Мавлонова. У Тошкентдаги 75-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. Унинг она тилимизга муҳаббати беқиёс. Ва бу муҳаббат ёғдулари ўқувчилар шуурини ҳам мунаввар қилажак.
Суратда: М. Мавлонова машғулот пайтида.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Халқ усталари

РИШТОНЛИК НАБИЖОН КУЛОЛ...

Дарҳақиқат, халқ ўйинчоқлари устаси риштонлик Набижон кулол ўзининг бетакрор нафис санъати билан шуҳрат қозонаётир. Лойдан нарса ясашга бўлган қизиқишини пайқаган дадаси уни олти-етти ёшларида маҳалласидаги Эргаш кулолга шогирдликка берган эди. Устози бошлаган ишни давом эттириб кулолчилик санъатини ривожлантирди. Унинг ясаган ўйинчоқлари орасида энг оддийдан тортиб, мураккаб миллий нақшу нигорлар билан безатилиб, юксак санъат асари даражасигача кўтарилган намуналари ҳам кўриш мумкин. Риштон кулолчилик мактабига хос хусусият бўлган мовий-кўкиш ранг болалар ўйинчоқлари, беланчаклару бешиклар, сандиқчалар, жавонлар, уй ҳайвонлари-ю, афсонавий эртак қаҳрамонлари, чолғу асбоблари ўз гўзаллиги билан дилни маҳв этади.

Кулол халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини, ўлкамиз табиати гўзаллигини ўзи ясаётган санъат асарларига кўчирмоқда: "Тарвуз кўтарган деҳқон", "Дарахт тагидаги чойхўр", "Чойхонадаги чоллар", "Кураш тушаётган полвонлар", "Хўжа Насриддин эшакда", "Нон ёпаётган аёл", "Беланчак тебратаётган аёл", "Қишлоқ болалари" ана шулар сирасидандир. Ўзбек халқ эртакларига ишланган этюдлар, "Афсонавий дев", ҳайкалчаси, айниқса, болаларни ўзига жалб қилади. Кулолдан ўйинчоқларни ясаш жараёни ҳақида гапириб беришини сўрадим.

— Халқ ўйинчоқлари Риштон бадиий-сопол буюмлари заводидаги сариқ ширали лойдан ясалади. Қолипли ва қолипсиз ясаладиган турлари бўлади. Қолип ёрдамида ясалган ўйинчоқлар ўртасидан иккига бўлиб қолипдан ажратиб олингач, қолган қисмлар бирлаштирилади.

Ясалган ўйинчоқлар ҳавода қуритилгач, дастлаб хом пишириб олинади. Пишган ўйинчоқ қизғиш тусга киради. Унга миллий безак, ранг бериб, сирланиб баланд оловда қайта пиширилади, тайёр ҳолга келтирилади. Ўйинчоқларни миллий безаклар билан безаш, ранг бериш ҳар бир устанинг уқувига боғлиқ, — деди у.

Халқ ўйинчоқларини ясашни кулол ўзининг укалари ва фарзандларига ўргатаяпти. Улардан Сайёджон улғайганида, албатта, дадасидай кулол бўлиш ниятида. Яқин-атрофдаги болалар боғчаси тарбиячилари келиб кулол Набижон Боқиевдан ўйинчоқлар ясаш усулларини ўрганмоқдалар. Уста ҳам ўз касбига бошқаларни қизиқтиришга ҳаракат қилаяпти.

Одина ЖАМОЛИДДИНОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспиранти.

«Маърифат» хабарлари

МАКТАБЛАР КЎПАЙМОҚДА

Қизилтепа туманидаги билим масканларини бунёд этишга катта эътибор берилмоқда. Яқинда яна иккита янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Зармитон" жамоа хўжалигида Улуғбек номидаги, "Меҳнат-роҳат" жамоа хўжалигида эса Амир Темур номидаги билим даргоҳлари ўз бағрига меҳнаткашларнинг кўплаб фарзандларини олди. Барча қулайликларга эга бўлган зиё масканларини 214-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг Баҳодир Раупов ҳамда Навоий сув хўжалиги трестига қарашли кўчма механизациялашган колоннанинг Рустам Рўзиқулов иш юритувчилик қилаётган жамоалари қўли гул қурувчилари барпо этдилар.

Айни вақтда "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида уч қаватли, 844 ўринли билим маскани қурилиши тезкорлик билан давом эттирилмоқда.

Баҳодир ЭГАМОВ.

***

ТАРБИЯЧИ ВА БОЛАЛАР МАМНУН

Андижон шаҳридаги 2511-автокорхона маъмурияти шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 21-болалар боғчасини оталиққа олиб, ҳозирги иқтисодий танг шароитда боғча биносини таъмирлаш ишларида яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқда. Улар иситиш қувурларини таъмирлашди, хоналарни оқлаб беришди. Шунингдек, бошқа ташкилий-тадбирий юмушларда ҳам боғча жамоасини қўллаб-қувватладилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Маърифат" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда. "Маърифат"нинг обуна баҳоси:
БИР ЙИЛГА — 194 СЎМ 40 ТИЙИН
ОЛТИ ОЙГА — 97 СЎМ 20 ТИЙИН
УЧ ОЙГА — 48 СЎМ 60 ТИЙИН

Муҳтарам халқ таълими ходимлари, устоз педагоглар, қадрли муаллимлар, доимий ҳамроҳингиз "Маърифат" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Мададталаб мактублар

ҚАЧОН НАШР ЭТИЛАДИ?

Ўзбек тилига давлат мақоминнинг берилиши биз, тил ва адабиёт ўқитувчиларини -ҳам юксак уюшқоқлик билан ишлашга даъват этади. Ёш авлодга замон талаблари даражасида таълим-тарбия беришдек масъулиятли ишимиз йўлида талайгина силжишлар бўляпти. Ўқув дастурлари ва дарсликлар такомиллаштирилди, янги дастурлар ва дарсликлар яратилмоқда. Албатта, бу нарсалар кишини жуда қувонтиради.

Иш фаолиятимизда бир муаммони айтиб ўтмасдан иложим йўқ. Биз, ўқитувчилар учун асосий қўлланма бўлиб келган И. Расуловнинг "Диктантлар тўплами" эндиликда бугунги кун талабларига жавоб бермай қўйди. Матнларнинг аксарияти давлат тилимизга зид бўлган тарзда тузилгани ишимиз ривожига тўсқинлик қилмоқда. Тилчи олимларимиз ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган, тил қонунларига мос тушадиган мажмуани тезроқ тайёрлаб чоп этсалар яхши бўлар эди!

Дилбар БОБОЕВА,
Асака туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси.

•

УКАЖОНЛАРИМИЗГА АЧИНАМИЗ

Биз яшаётган хўжалик қўрқ ерда ташкил этилган. Ўтган йили янги мактаб биноси ишга тушганлиги боис қувончларимизнинг чеки йўқ эди. Афсуски, шодлигимиз узоққа чўзилмади. Мактабимизни қуриб берган қурилиш ташкилоти "Қўлдан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида иш тутишган, шекилли, мактаб залида кўтариладиган чанг-тўзондан бир-биримизни зўрға таниймиз.

Энг ачинарлиси — синфхоналарни иситишда энг зарур бўлган буғ қозони бир кун ҳам ишлагани йўқ. Ўтган қишни бир амаллаб ўтказдик. Ўқитувчиларимиз ўзлари дийдираб ўтиришса ҳам, бизни "қиш унча совуқ келмади, бу йил" деб юпатишади. Биз-ку, совуққа амаллаб чидармиз, лекин қуйи синфлардаги укажонларимиз бу йил қишда қандай ўқишаркин?

Бунга қўшимча, қишлоғимиз чўл зонасида жойлашгани учун тоза ичимлик суви ҳали бизга етиб келмаган. Ҳолбуки шундоққина қишлоғимиз ёнидан ичимлик суви қувури ўтади.

Юртбошимиз айтганларидек, Ўзбекистоннинг келажаги буюкдир. Шу буюк давлатни қуриш маърифатли ёшлар зиммасига тушиши шубҳасиз. Аммо яшаш учун шарт-шароит етарли бўлмаган жойда юксак маърифат бўлиши мумкинми? Хатимизни эътиборсиз қолдирмайсизлар, дея умид қиламиз.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Бобур номидаги 10-мактаб ўқувчилари.
Жами 13 имзо.

«Маърифат»га жавоб берадилар

ЕР АЖРАТИЛАДИ

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси С. Тожибоев редакциямизга йўллаган мактубида 1991 йилдан бери ер участкаси ололмаётгани, С. Ашуров номидаги жамоа хўжалигидан ер ажратилмаётгани ҳақида маълум қилиб, ёрдам сўраганди. Танқидий материалимизга Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ж. Халилов имзоси билан олинган жавобда қуйидагилар ёзилган: "С. Тожибоевнинг уй қуриш учун ер участкаси ажратилиши ҳақидаги аризаси Олтинкўл туман ҳокимининг ўринбосари Б. Саидхўжаев, Жалабек қишлоқ кенгаши раиси Ж. Йўлдошев, С. Ашуров номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси З. Абдуллаевлар томонидан аризачи иштирокида ўрганиб чиқилди ва унга 1995 йилда ер участкаси ажратиб бериладиган бўлди".

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

АМАЛИЙ ИШЛАР САРИ ЖИДДИЙ ҚАДАМ

Мустақилликнинг илк йиллари таълимда чинакам маънода янгиланишлар палласи бўлди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Дастурлар ва дарсликларни янгилаш ниҳоясига етаётир, янги турдаги ўқув муассасалари кенг жорий этилмоқда, ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчилар билимларини баҳолашнинг илғор усуллари ҳаётимизга кириб келди.

Янги турдаги ўқув муассасалари, мактабгача тарбия, мактаб ва мактабдан ташқари таълим, ҳунар, ўрта ва олий педагогик таълимни янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган тажриба-синов майдонлари шундай янгиликлар жумласидандир.

Мактабгача таълим муассасаларида хорижий тилларни ўргатиш, компьютер билан ишлаш, мактабга тайёрлаш, умумтаълим муассасаларида ўқувчиларни қизиқишларига кўра табақалаштириб ўқитиш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар ўргатишни такомиллаштириш, ҳунар билим юртларида босқичли ўқитиш, ўрта махсус педагогика билим юртларида эса олий педагогика ўқув юртлари билан ҳамкорликда юқори малакали педагогларни тайёрлаш масалалари тажриба — синов майдонлари фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Хўш, ана шундай билим масканаларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиш қандай аҳволда?

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши ана шу муҳим масалани муҳокама этишдан бошланди.

"Тажриба-синов майдонларида олиб борилаётган услубий-тадқиқот ишларининг аҳволи тўғрисида" педагогик таълим ва фан бошқармаси бошлиғи Собир Зиёев маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққан мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, фан ва малака ошириш бўлими мудири Тошпўлат Тошлонов, ЎзПФИТИ директори ўринбосари Ҳайдар Бобобеков, Тошкент шаҳар 197-мактаб директори Ақида Тўлаганова, Шайхонтоҳур туманидаги миллий ҳунармандчилик мактаби директори Лариса Тўхтабоева, Низомий номидаги ТДПИ доценти Зуҳра Валиева, шу институт проректори Мунаввар Тўхтаҳўжаева, Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ректори Ғайрат Шоумаров ва бошқалар тажриба-синов майдонларида бир қанча илмий-услубий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга илмий-услубий тадқиқот ишларида изчиллик, мунтазамлик етишмаётир. Тажриба жараёнида болалар имконияти чуқур ўрганилмаётир. Ўзаро фикр алмашувлар — доимий ҳаракатдаги илмий-кенгаш фаолият кўрсатмаётир. То шу пайтга қадар тажриба натижаларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилмаган. Бундай тадбирларни амалга оширмай туриб, самарали натижага эришиш қийин.

Ҳайъат йиғилишида Тошкент вилояти халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги мактабгача тарбия муассасаларида болалар боғчаларида тарбия ва таълим дастурининг бажарилиши ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан вазирлик мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова ва Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиевларнинг ахбороти эшитилди.

Йиғилишда бу борада Тошкент вилоятида бир қанча ташкилий-методик тадбирлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Дастурни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ қилишни методик жиҳатдан таъминлаш мақсадида ҳудудий семинар-кенгашлар, Дастур муаллифлари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказилган. Аксарият тарбиячилар ва мутахассислар янги дастурни қўллаб-қувватладилар. Аммо Дастурни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга оид методик тавсиялар барча боғчаларга тўлиқ етказиб берилмаган. Изчил назорат йўлга қўйилмаганлиги, талабчанлик сусайтириб юборилганлиги боис айрим туманлардаги тарбиячилар Дастур ҳақида етарли тушунчага эга эмаслар.

Ҳайъат йиғилишида Самарқанд шаҳар Беруний номидаги педагогика билим юрти маъмурияти фаолиятидаги жиддий камчиликлар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда кун тартибидаги ҳар уч масала юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Йиғилишни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, ҳайъат йиғилиши қатъий талабчанлик, чуқур масъулият руҳида ўтди. Бу халқ таълимида янгиланишлардан амалий ишлар сари жиддий қадам қўйилганлигига яна бир далолатдир.

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома / ойнома 64595
Маърифат (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) | Обуна сони
19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

п. в. | жойи

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ
64595
(нашр кўрсаткичи)
Маърифат
(нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони
Баҳоси | Сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Фармон ва ижро

ИЖОДКОРЛИККА ДАЪВАТ

Муртазо СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари

Республикамизнинг тараққиёт сари мустақил одимлаётганлигига ҳам уч йил бўлди. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг қилган маърузасида ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқларимиз, эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган муаммоларимиз тўлалигича ўз ифодасини топган. Ушбу анжуман нафақат сарҳисоб, балки қилинажак ишларимиз режасини тузишда йўлчи юлдуз вазифасини ҳам ўтайди. Дарҳақиқат, юртимиз мустақиллигининг умрбоқийлиги ҳозирда биз таълим-тарбия бераётган ўғил-қизларимизнинг қанчалик зукко, билимдон, одоб-ахлоқли бўлиб етишишларига боғлиқ. Жамият турмушида ёш авлодни тарбиялашда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тутган ўрнига алоҳида аҳамият бериб, халқ таълими ходимларининг касб байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Вазирлар Маҳкамасининг эса "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Уларга кўра, ўқитувчиларнинг ойлик маошини 20 фоиз ошириш, лавозим оклади ва иш ҳақи ойлик ставкасини ҳозир амалда бўлган халқ таълими тизими бўйича Ягона таъриф сеткасига нисбатан бир тоифага кўтариш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, халқ таълими ходимлари учун ҳозир амалда бўлган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида табақалаштирилган қўшимча ва устама ҳақларнинг янги миқдорлари белгиланди.

Дафтар текшириш учун тўланадиган қўшимча ҳақ ўртача 18 фоизга, яъни 10 марта ошиб, 18 сўмни ташкил этади.

Ўқув кабинетлари мудирлиги учун, умумтаълим мактаблари ҳамда ҳунар-техника билим юртларида синфдан ташқари ишлар билан машғул бўлган ходимлар маошига ҳам қўшимча қўшилгани бу борадаги ишларнинг анча жонланишига сабаб бўлишига ишонамиз. Илгари иш ҳақи қўшимча ҳақлар билан бирга бир ставка иш ҳажмига ўртача 250 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозирда у 300 сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Пезидентининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида"ги 31 август 1994 йил Фармонига кўра, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус билим юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига, халқ таълими муассасаларида ишловчи барча ходимларга 1994 йил октябрь ойидан бошлаб, ҳар ойда 100 сўм миқдорида компенсация тўловларини тўлаш жорий этилди. Бу тўловлар ишловчи шахсларга иш жойларида, нафақахўрларга нафақа тўланадиган жойларда, талаба ва ўқувчиларга олий ўқув юртива ўрта махсус билим юртларида тўланмоқда.

Барча ҳамдўстликдаги мамлакатларга нисбатан республикамизда ўқитувчиларнинг ҳафталик дарс соатлари анча кам эканини (юқори синфда — 16 соат, бошланғич синфда — 14 соат) ва у кунига 2,3 ва 2,6 ўқув соатини ташкил этишни ҳамда педагогик кадрлар етишмаганлиги сабабли ўқитувчиларимиз фақатгина 1,3 ставкада эмас, балки (бунда 1 тоифали ўқитувчининг ойлик маоши 327 сўмни ташкил қилади) 1,5 — 2 ставкагача ишлаш имкониятига эгадирлар. Бу ҳолда ойлик маош қўшимча ҳақлар билан бирга, Президентимизнинг сўнгги фармонига кўра 370 сўмдан 490 сўмгача, шунингдек, ойлик компенсация билан бирга 470 сўмдан 590сўмгача бўлган миқдорни ташкил этади.

Албатта, бу кўп ҳолларда кадрлар малакасини оширишни, педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориш зарурлигини тақозо этади. Халқ таълими вазирлиги тизимида ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича шаклланган тизим мавжуд, педагогика институтлари қошида бир қатор ана шундай факультетлар бор. Бундан ташқари, яқин орада педагогик ходимлар учун қўшимча мутахассисликларни ўргатувчи ўн ойлик курслар очиш мўлжалланмоқда.

Сўнгги йилларда ташкил этилган янги турдаги ўқув муассасалари ҳозирда ижобий натижалар бермоқда. Бироқ, гимназия, лицей, иқтидорли болалар мактабларига мутахассислар етишмаслиги муаммоси бир оз қийинчилик туғдиради. Олий ўқув юртларидан юқори малакага эга бўлган мутахассисларни, илмий ходимларни бу ишга жалб этишдаги асосий тўсиқ — ойлик маошнинг камлиги эди. Шунинг учун юқори малакага эга бўлган мутахассисларга соатбай тўловлар ставкасининг сезиларли равишда оширилганлиги уларнинг ўқув масканларимиз ва малака ошириш муассасаларига жалб этиш борасида рағбатлантирувчи омил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига қадар олий ўқув юрти ўқитувчиси ёки мактаб, лицей ва гимназияда дарс ўтиш учун таклиф этилган юқори малакали мутахассис, фан доктори ёки номзоди педагогик ишнинг 1 соати учун 2 сўм 80 тийин ва 1 сўм 60 тийин ҳақ олган бўлса, шу йил 1 октябрдан бошлаб фан докторларига 10 сўм, фан номзодлари учун соатбай тўлов 5 сўм 70 тийинни ташкил этади. Булар, шубҳасиз, ўқув юртларимизга юксак малакали мутахассисларни кенг жалб этиш ва ўқувчиларнинг чуқур билимга эга бўлишларига замин яратади.

Имкониятдан фойдаланиб, шуни ҳам айтиш ўринлики, ҳали ҳамма ерда ўқув юртлари раҳбарлари ва педагогик жамоалар мустақиллик шарофати билан туғилган шароитдан фойдалана олишмаяпти. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 42-бандига биноан таълим муассасалари аҳолига, корхона ва ташкилотларга маиший хизмат кўрсатиши, шунингдек, амалдаги қонунларда ман этилмаган тижорат ишларининг бўъзи турлари билан шуғулланишлари, чунончи, ўқув ширкатлари тузиш мақсадида бинолардан фойдаланишлари, қишлоқ жойларда меҳнат дарсларида ва ўқувчиларнинг бўш вақтларида ҳокимиятлар жамоа хўжаликларидан ажратган ерларда ҳосил етиштириш ва мактаблараро ўқув комбинатларида маҳсулот ишлаб чиқариш каби ишлар билан машғул бўлишлари мумкин. Улардан олинган даромадлар ҳамда ишлаб топилган сармоядан ташқари маблағлар меҳнат жамоаси қарори билан маошга устама ҳақ учун, моддий-техник имкониятларни мустаҳкамлаш учун сарфланиши мумкин. Булардан мақсад, табиийки, жойларда янада фаоллик ва ижодкорлик кўрсатилишига эришишдир.

Фақат мустақиллик даври ичида ойлик маошлар 17 марта ошди, ўқитувчиларга бир қатор имтиёзлар яратилди. Биз ишонамизки, келгусида ҳам ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мақсадида кўпгина чоралар кўрилади. Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликларга амалий меҳнат билан, ёш авлодга чуқур таълим ва тарбия бериш орқали жавоб қайтариш биз педагоглар учун истиқбол аҳамиятига молик вазифадир!

"Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови

САРАЛАРНИНГ САРАСИ

Андижон шаҳар ўқувчилар саройида "Ўқитувчи-94" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоятининг турли шаҳар ва туманларидан 16 нафар энг истеъдодли, изланувчан ҳамда з[illegible] муаллимлар иштирок этди.

Қизиқарли ўтган бу беллашувда Андижон туманидаги 15-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Шаробиддин Ҳасанов 1-ўринни, Андижон шаҳридан Одилжон Аъзаматов 2-ўринни, Қўрғонтепа туманидан Анваржон Қодиров 3-ўринни эгалладилар. Ғолиблар Андижон вилоят халқ таълими бошқармасининг Фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Шунингдек, уларга вилоят халқ таълими аълочиси ва фидойиси унвонлари берилди.

Шундай қилиб, кўрик-танлов ғолиби Шаробиддин Ҳасанов республика "Ўқитувчи-94" беллашувига йўлланма олди.

Д. ХОЛБЕКОВА,
ТошДУ журналистика факультети толибаси.

***

Шунингдек, Сирдарё вилоятида ҳам "Ўқитувчи-94" танлови ўтказилди. Унда туман ва шаҳар кўрик-танловларида ғолиб бўлган 10 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Қатнашчилар ўзларининг муаллимлик фаолиятидаги янгиликлар, ҳозирги замон ўқитувчиси зиммасига қўйилган талаблар, миллий-амалий санъатлари, ўқувчилар билан ўтказаётган энг қизиқарли тадбирларини, бўш вақтларида нима билан машғул бўлишларини амалий тарзда намойиш этди. Айниқса, "Оқ олтин" туманидаги "Андижон" иқтидорли болалар мактабининг она тили ва адабиёти фан ўқитувчиси Оқилбек Жодигоровнинг билимдонлиги ва педагогик маҳорати кўпчиликка манзур бўлди.

Кўрик-танловда Оқилбек Жодигоров биринчи, М. Сулаймонбекова иккинчи, Х. Кўзиева учинчи ўринни эгаллади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси танлов ғолибларига Фахрий ёрлиқ, пул мукофоти ва "Олий тоифали ўқитувчи" унвонларини топширди.

А. ЖАВЛОНОВ,
"Оқ олтин" туман халқ таълими бўлими назоратчиси.

***

Тошкентдаги 34-ўрта мактабда Шайхонтоҳур тумани "Йил ўқитувчиси" танлови бўлиб ўтди. Қизғин кечган баҳслардан сўнг, 234-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилфуза Рустамова ғолиб деб топилди ва туман халқ таълими бўлимининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

***

Шундай танлов Мирзо Улуғбек туманида ҳам бўлиб ўтди. Унинг охирги босқичида етти ўқитувчи иштирок этди. Ўз билимдонлиги, закийлигини намойиш этган 279-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Зарифа Исмоилова туманнинг "Йил ўқитувчиси" деб тан олинди.

Очиқ мулоқот

ЮЗМА-ЮЗ

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида газетхонлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда олимлар, турли вилоятлардан келган туман халқ таълими бўлимлари методика хонаси мудирлари, ўқитувчилар иштирок этишди.

Мулоқотни шу институт ректорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Акром Акмалов очди. У ўз сўзида "Маърифат"нинг маорифчилар ҳаётида тутган ўрни, газета ва институт ҳамкорлиги тўғрисида фикр билдирди. Газета масъул котиби Абдусамат Раҳимов таҳририятда халқ таълими масалаларини ёритиш юзасидан қилинаётган ишлар ва 1995 йилга мўлжалланаётган режалар хусусида ахборот берди.

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани халқ таълими бўлими методика хонасининг мудири Исроилжон Сатторов газетанинг янгича иш услубларини тарғиб этишдаги ҳиссаси ҳақида гапирди. Шу билан бирга педагогик нашрлар жойларга ўз вақтида етиб бормаётганлигини таъкидлади.

Денов тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Назиржон Тўраев, Усмон Юсупов тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Арслонбой Норчаевлар газета саҳифаларида ижодкор муаллимларнинг илғор иш тажрибалари мунтазам ёритиб борилиши, буюк аждодларимизнинг маънавий меросига оид асл манбалардан парчалар, янги дастур ва концепциялар эълон қилинаётганлиги айни муддао бўлаётганлигини зикр қилишди.

Наманган вилояти Задарё тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Неъматжон Бегалиев газетада чоп этилаётган мақолалар педагогик фаолиятида қўл келаётганлигини таъкидлаб, янгиликлар ҳақида ахборот берди.

— Туманимиздаги 7, 13-ўрта мактабларда "Алифбе"сиз ўқитиш тажрибаси 1994-95 ўқув йилидан бошлаб қўлланиляпти. Унга тайёргарлик июнь ойидан бошланган эди. "Алифбе" қўлланилмайдиган синфларга болалар боғчаларидан келган ўғил-қизлар танлаб олинди. Меҳнат таътилидан эрта қайтган бошлангич синф муаллимлари ўқув йили бошланмасидан анча илгари улар билан махсус шуғулланишди. Бу жараёнда ота-оналар билан ҳамкорлик қилинди. Умуман олганда, "Алифбе"сиз ўқитиш таълим тизимини янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мулоқотда Чироқчи тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Нурмуҳаммад Мейликулов, Фурқат тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Қ. Эркабоевлар ўқувчиларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Тажриба, иш услубларининг кенг оммалашувида бундай мулоқотларнинг аҳамияти беқиёс. Учрашувда иштирок этганлар буни мамнуният билан қайд этиб ўтишди. Йиғилиш жараёнида уларни баъзи бир муаммолар безовта қилаётгани ҳам аён бўлди. Жумладан, Сирдарё туманидаги 34-ўрта мактаб тарих фани ўқитувчиси Ўктам Турсунқулов, Наманган шаҳар Совет туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси Матлуба Абдураҳмонова, Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси Норпўлат Мирзаев, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири Жуманазар Панжиев ва бошқалар бир қатор муҳим масалаларни ўртага ташладилар. Чунончи, тарих фанидан қўлланма ва дарсликлар етишмайди. Дастурлар тузилганига қарамай, унга мос манбалар кам. Барча жойларда ҳам мактаб ва ота-оналар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган эмас, услубиёт соҳасига ҳам амалий ёрдам зарур.

Газета ана шундай муаммоларни ҳал этишда педагогларга бундан буён ҳам яқин ёрдамчи бўлиши лозим.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

МУҚАДДАС МЕРОС

Сулола

Ҳар гал рисоладагидек умр кечириш ҳақида ўйлаганимда айнан ўша умрни белгиловчи мезонлар, яъни инсоннинг маънавий ҳамда моддий эҳтиёжларини қондиришда зарур бўладиган нарсалар ҳақидаги фикрлар ҳаёлимни банд этади. Киши абадият олдида бир дақиқадек ўтиб кетадиган фоний дунёдаги 60-70 йиллик ҳаётини қандай яшаб ўтказмоғи керак? Бундай саволларга чинакамига камолот чўққисига етган ўтмиш буюкларининг юксалиш давомида ўз тани майлларини сўндира борганлиги, уззукун илм, тоату ибодат билан машғул бўлганликларидан жавоб топгандек бўламан. Улар учун фақат кўзнигина қувонтирадиган бежирим ҳашам эмас, балки одмигина токчадаги дунёнинг жамики "жавоҳир"ларини ўзларида мужассам этган китоблар тахламидан-да муқаддас нарса бўлмаган...

Асримиз бошларида деҳқон болаларига Алифбо ва Ҳадису Шарифдан сабоқ берган мулла Мавлон бобо ҳам фарзандларига китобни, унга бўлган меҳр-муҳаббатни мерос қолдирди. Мана, орадан саксон йилча вақт ўтибдики, Мавлоновлар хонадонида ҳануз китоб, ўқитувчи касби эъзозда.

Даставвал ота ишини давом эттиришга жазм қилган Баҳриддин Мавлоновнинг ҳам 45 йиллик маърифатчи сифатида кўрсатган фаолияти ҳозирда фарзандлари учун ҳаёт китобига, ёркин манзилга элтувчи маёққа айланди. Унинг ўз касбига бўлган садоқатини, фидойилигини ҳамда панду насиҳатларини юктирган ўн бир нафар фарзанди Паст-Дарғом туманидаги мактабларда келажак эгаларига илму одоб ўргатиш билан машғул.

Яқинда халқ таълими ходимлари куни байрами нишонланаётган паллада Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўқитувчилар сулолалари Тошкент шаҳрига таклиф қилинди. Улар билан учрашувлар, ойнаи жаҳон орқали чиқишлар ташкил қилинди. Шу каби тадбирларни кўриб, айнан сулолаларга сўнгги йилларда эътиборнинг анча ошганлигининг, улар орқали ўқитувчилик касбининг нақадар улуғлигини намоён этишнинг боиси билан қизиқдим. Учрашувларда сўзга чиққан мўътабар олимлардан бири "Ўқитувчи бўлиб туғилмаслик мумкин, лекин ўқитувчи бўлиб шаклланиш керак", деди. Айнан ўша шаклланиш жараёни оилабоши ўқитувчи бўлган хонадонларда юзага келади. Негаки, у ерда ўзаро гурунглар қайси мавзуда бўлмасин бола тарбия-таълимига бориб тақалаверади. Бундай оилада вояга етаётган ўспирин ўқитувчининг қувончию шодлигига, машаққатию заҳматига шерик бўлиб яшайди. Вақти келиб, фарзанд бу касбни ихтиёр этар экан, уни фақатгина ҳовю ҳавас билан эмас, балки унинг жамики ташвишларини ва улар ортидаги лаззатли онларни ҳис этган ҳолда эгаллашга интилади.

Ўз оталари изидан бораётган Муҳтарам, Малоҳат, Саломат, Аслиддин, Сайфиддин, Сайёра, Чиннихол, Гулсара, Зулфия, Лола, Фароғат ўзларида ўқитувчилик касбига бўлган иштиёқнинг оилада ниш урганини, Баҳриддин аканинг ўша иштиёқни олий мақсадга айланишидаги хизматларини ҳеч ҳам инкор этишмайди.

Эзгулик сари сафарга отланган ўзига хос бир карвонни эслатувчи Мавлоновлар сулоласининг ҳам ўз ўйлари, муаммолари, ниятлари бор. Бу ўйларки — ўзбекнинг фарзандини зукко этишга, бу муаммоларки — уларнинг илм олишини мумкин қадар жадаллаштиришга, бу ниятларки — ер юзида миллатимиз шону-шавкатини юксакларга кўтаришга қаратилган. Улар мактабда илм бериш ишини муқаддас деб билган, ўқувчисининг ақли чархланаётганини кўриб, дунёга сиғмай қувонадиган ўқитувчигина сабоқ беришни истайди. Қолаверса, ҳозирги ўткинчи қийинчиликларга дош беролмай, тижорат билан ҳам ҳамма шуғуллана олмаслигини билмасдан ўзини ўтга-чўққа ураётган "ўқитувчи"ларни кўриб ранжишади. Уларга бу жамиятда барчанинг ўз ўрни ва чекига тушган вазифаси борлигини, вақти келиб қилинган маъқул, номаъқул ишлар учун жавоб берилажагини, савобу-гуноҳнинг фарқини англамоқ жоизлигини эслатгиси келади...

Ўша куни сулолабошилардан бири орамизда мактабда ўқитиладиган ҳамма фан ўқитувчилари бор, алоҳида мактаб очишимиз мумкин, деди. Менимча, мумкингина эмас, худди шундай мактаб очиш ҳам керак. Нега деганда, мақсад муштараклиги, жамоада ҳамма бир-бирига елкадош бўлиши, қолаверса, мактаб оила фахри, уруғ фахри ҳисобланган жойда ҳеч қачон парокандаликка, аравани тўрт томонга тортишга ўрин қолмайди.

Абдусамат РАҲИМОВ.

Суратда: Мавлоновлар сулоласи.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, оллариинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91

ОНА ТИЛИМ — ОЛТИН БЕШИГИМ

Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг республика Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти тингловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Республикада таълимни ривожлантиришнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, таълим мақсадлари, тамойиллари ҳамда асосий йўналишлари, узлуксиз таълим тизими хусусида атрофлича сўзлади, тингловчиларнинг саволларига жавоб берди.

***

А. Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг беш йиллигига бағишланган "Она тилим — жону дилим" мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Уни Т. Ниёзматова раҳбарлик қилаётган ўзбек тили ва адабиёти гуруҳи тингловчилари тайёрлашди. Адабий кеча Ўзбекистон Давлат мадҳиясини куйлаш билан бошланди. Ундан сўнг ўзбек тилининг узоқ тарихий ўтмиши ва бугунги кундаги тараққиёти ҳақидаги композиция томошабинларга ҳавола этилди. Кеча сўнгида ўзбек халқ қўшиқ ва лапарлари, рақслар ижро этилди.

Жамила ИБРОҲИМОВА,
Нарпай туманидаги 43-мактаб ўқитувчиси.

***

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 197-мактабда "Она тилим — олтин бешигим" мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Кечани мактаб директори Ақида Тўлаганова кириш сўзи билан очди. Кечада фаол иштирок этган ўқувчилар тил ҳақида шеърлар ўқидилар, қўшиқ айтиб рақсга тушдилар. Драмматик асарлардан тайёрланган парчаларни намойиш қилдилар. Ҳар бир тадбир ижросида болаларнинг она тилимизнинг гўзал имкониятларидан кенг фойдаланганликлари яққол сезилиб турди.

Мухбиримиз.

Синаб кўринг

МАСЛАҲАТЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС...

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон ҳукумати ёш авлод камолоти йўлида қатор тадбирларни амалга оширяпти. Лекин ҳозирги вақтинчалик иқтисодий ўзгаришлар даврида ота-оналик бурчини унутаётганлар ҳам учраётгани кишини ташвишга солади. Асосий эътибори бойлик топишга қаратилган айрим ота-оналар ўз фарзандлари камолоти учун фақат мактаб ўқитувчиларини жавобгар, деб тушунмоқдалар. Баъзан фарзанди таълим-тарбияси учун ўқитувчи маош олаётганини писанда қиладиганлар ҳам учрайди. Фарзандининг дўстлари кимлиги, у бўш вақтини қандай ўтказаётгани, қандай ўқиётгани бундай ота-оналарни заррача ҳам ўйлантирмайди.

Ўқувчи бирор тартиббузарлиги сабабли жазоланадиган бўлса, милиция ходимлари ҳам, аввало, унинг қайси мактабда ўқиши билан қизиқадилар. Ваҳоланки, ўша боланинг ота-онаси, қолаверса, маҳалласи бор!

Давр биздан катта масъулият билан ишлашни талаб қилмоқда. Шунинг учун 1994-1995 ўқув йилидан бошлаб тажриба сифатида мактаб билан ота-оналар ўртасида шартнома туздик. Унда ота-оналар болани доимо ўқишга боришини назорат қилишни, бесабаб дарс қолдирмаслигини таъминлашни, уй вазифаларини ўз вақтида бажарилишини назорат қилишни, дарсдан қочиш ҳолларининг олдини олишни, умумтаълим қоидаларига риоя қилган ҳолда мактабга кийинтириб юборишни, ҳар ҳафтада мактабга келиб, фарзандларининг интизоми ва ўқиши билан қизиқишни, ота-оналар мажлисида иштирок этишни, зарур бўлганида мактабга моддий ёки бошқа ёрдам кўрсатишни, мактабнинг жамоат ишларида боланинг фаол иштирокини таъминлаш каби вазифаларни ўз зиммаларига оладилар. Бола бир ҳафтада сабабсиз 6 соат дарс қолдирса, огоҳлантирилади, ҳолат уч бор такрорланса, у ота-онаси билан биргаликда маҳалла қўмитасида мухокама қилинади. Ўқувчи мактабга моддий зарар етказган, ички тартиб-қоидаларни бузган, ўқитувчилар билан қўпол муомалада бўлган тақдирда ҳам юқоридаги чора қўлланилади. Мабодо улар дарсга бир неча бор қатнашмаса ёки мактабдан ташқари вақтларда қонунбузарлик қилишса, назорат сусайгани учун ота-оналар ойлик маошининг маълум бир фоизи мактаб ҳисобига жарима сифатида чегириб қолинади.

Шартномага кўра, мактаб маъмурияти ўқувчига юқори савияда билим беришни, дарсларнинг вақтида ўтилишини, сабабсиз дарс ўтилмай қолишининг олдини олишни, тўгараклар фаолиятини мунтазам йўлга қўйишни, ўқув қўлланмалари билан таъминлашни, ўқитувчи томонидан ўқувчига нисбатан ноҳақликка йўл қўйилмасликни, ўқувчи узрли сабаблар билан дарс қолдирса, у билан алоҳида машғулот ўтказишни ёки уни уйида ўқитишни ташкил этишни ўз зиммасига олади.

Тажриба сифатида қўлланиши кўзда тутилган ушбу шартнома ҳозирги кунда мактаб билан маҳаллалар ўртасида тузилаётган шартномаларнинг узвий қисмидир. Ундаги бандларнинг тўла бажарилмаётгани хусусидаги норозиликлар маҳалла қўмитаси ва туман халқ таълими бўлими томонидан кўриб чиқилади ва назорат остига олинади. Шу асосда бола тарбиясига ота-онадан ташқари маҳалла-куйни, кенг жамоатчиликни жалб қилиш мумкин. Бу тажриба илк бор ўтказилаётгани сабабли ўқитувчилар, олимлар, илғор педагоглар шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларини билдирсалар, яхши бўлар эди.

Қундуз ДАДАМУРАТОВА,
Собир Раҳимов туманидаги 134-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Янги турдаги ўқув муассасалари

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Бир донишманд, бола тарбияси билан у ҳали она қорнидалигидаёқ жиддий шуғуллана бошлаш зарур, деган экан. Ҳақ гап. Ўғлимиз ё қизимиз улғаяверсин, тарбияси бир гап бўлар, деганлар янглишади. Тарбия деганимиз боланинг фақат ота-онаси, ота-онаси эмас. Унинг қайси касбга қизиқиши, дунёқараши муносиб шаклланиши ҳам муҳим жараёндир. Шу мақсадларни кўзда тутган бизнинг лицей-мактабимиз Тошкент давлат аграр дорилфунуни, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Шарқшунослик, Доришунослик, Тиббиёт, Ҳуқуқшунослик институтлари билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган. Пойтахтимизнинг "биқини"да жойлашган Ўнқўрғон маҳалласидан (Улуғбек номидаги лицей мактаби ўша маҳаллада) мазкур олий ўқув юртларига қатнаш жуда қулай. Тошкент шаҳридан, жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан келиб таҳсил кўраётган ўғил-қизлар ҳафтада уч кун мактабда, қолган кунлари эса навбати билан ўзлари танлаган олийгоҳларда таълим оладилар. 10-11-синфларда таълим-тарбия олиш билан бир қаторда улар ўша олий ўқув юртларининг ҳам бошланғич илмига эга бўладилар.

Бу эзгу ишда бизга турли олий ўқув юртларининг раҳбарлари, домлалардан академик Эркин Шайхов, Волида Қосимова, Тангриберди Ҳамроев, Маҳфуза Шамақсудова, Солий Ҳасанов, Озод Султонов ва бошқалар яқиндан кўмаклашмоқда. Мактабимизнинг тажрибали муаллималаридан Раъно Аминова ва Катера Сайдалиева ҳам алоҳида шижоат кўрсатишяпти.

Очиғи, баъзи олий ўқув юртларига тасодифан кириб қолишган айрим талабаларнинг кейинчалик қай даражада "кадр" бўлиб етишиши ҳақида кўп баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Бироқ, лицей мактабини тамомлаганлар орасида "адашган"лар деярли бўлмайди. Негаки, ўқувчи келгусида ўша касб эгаси бўла оладими ёки йўқми, буни мактабдаёқ аниқлаб олишимиз аниқ. Зотан, лицей мактабини тамомлаган ўғил-қизларнинг саксон-тўқсон фоизи ўша олий ўқув юртларига ҳеч қийналмасдан киришаётир. Албатта, келгусида улар шунга яраша муносиб мутахассис бўлиб етишишларига умид қилса бўлади.

Мустақил Ватанимиз келажаги буюк бўлишидан ҳаммамиз умидвормиз. Келажак эса бугундан бошланади. Келажагимиз бўлмиш ёш авлодни шунга муносиб тарбиялашимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Ҳожиакбар ОРТИҚХЎЖАЕВ,
Улуғбек номидаги лицей-мактаб директори.

Қутлаймиз

УСТОЗ

Халқимиз азалдан устозларни отадан улуғ, — деб эъзозлаб, уларга калбининг тўридан жой берган. Атоқли математик олим, академик, Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор Тўхтамурод Жўраевич Жўраев ана шундай инсонлардан бири.

Домланинг ҳаёт йўли ғоят ибратли. У 1934 йил 25 октябрда Янгийўл районида деҳқон оиласида дунёга келди. 1953 йилда Шўралистойдаги ўрта мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё Давлат университети физика-математика факультетининг математика бўлимига ўқишга кирди ва уни 1958 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. Бўлажак олимнинг истеъдоди талабалик йилларидаёқ намоён бўлиб, унинг диплом иши илмий журналда чоп этиш учун тавсия қилинган эди.

Тўхтамурод Жўраевичнинг олим сифатида шаклланишида қатор математик олимлар, айниқса, академиклар А. В. Бицадзе ва О. А. Олейник раҳбарлик қилаётган бутун жаҳонга таниқли илмий мактаблар жуда катта ва сермаҳсул таъсир кўрсатди. Истеъдодли олим фақат ўзининг тиришқоқлиги ва сабр-қаноати, машаққатли ва сермазмун меҳнати, ўз устида тинмай ишлаши туфайли кўплаб ютуқларга ва улкан илмий обрўга эга бўлди. Домла 1962 йилда кандидатлик, 1972 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди, 1974 йилда унга профессор унвони берилди, 1979 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1989 йилда эса ҳақиқий аъзоси этиб сайланди ва 1991 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлди.

60-йилларда Ўзбекистонда математик тадқиқотларнинг янги йўналиши — аралаш, қўшма ва аралаш-қўшма типдаги тенгламалар назариясининг ривожланиши ва ҳозирги кунда бу йўналишдаги жаҳонга таниқли илмий мактабнинг ташкил бўлиши Т.Ж. Жўраев номи билан боғлиқдир.

Домланинг аралаш, қўшма ва аралаш-қўшма типдаги тенгламалар назарияси, чегара қатлам назариясининг математик муаммоларига доир фундаментал ишлари тан олинди ва уни ушбу йўналишдаги жаҳонга таниқли тадқиқотчилар қаторига олиб чиқди.

Тўхтамурод Жўраевичнинг илмий изланишлари муаммоларнинг долзарблиги ва уларни ечиш усулларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бундай тадқиқотлар ёш мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди ва олимлар ўртасида эътибор қозонди.

Т. Жўраев бир неча монография ҳамда республика ва халқаро илмий журналларда нашр қилинган 150 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

У нафақат олим балки, фан ва олий таълимнинг ажойиб ташкилотчиси ҳамдир. Домланинг бу фазилати Ўзбекистон Фанлар академияси М. Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори (1974-1985 й.), Ўз ФА В. И. Романовский номидаги Математика институти директори (1985-1986 й.), Тошкент илмий маркази раиси (1982-1987 й.) лавозимларида ва айни пайтда Тошкент давлат университети ректори вазифасидаги фаолиятида яққол кўринади.

Домла илмий техника ривожида математиканинг аҳамиятини чуқур ҳис қилиб, уни халқ хўжалигига тадбиқ этишга катта аҳамият берди.

Т. Ж. Жўраев фанда эришган ютуқларини бир неча бор хорижий мамлакатларда халқаро илмий конференция, симпозиум ва конгрессларда намойиш этди.

Домлада ҳавас қилса арзийдиган, кўпчиликка ибрат бўладиган фазилатлар ғоят кўп. Шулардан бири унинг сермазмун илмий ижодини доимо педагогик ва жамоат ишлари билан қўшиб олиб боришидир. Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги "Математика" Кенгаши раиси, "Ўзбекистон математика журнали" бош мухаррири, ТошДУдаги докторлик илмий даражасини берувчи ихтисослашган илмий Кенгаш раиси, математик физика тенгламалари кафедрасининг мудири, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар бўйича шаҳар семинарининг раҳбари ва шу йўналишни ривожлантиришга ҳамда республикада математик тадқиқотларни ва математик таълим даражасини ошириш ишларига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Т. Ж. Жўраев республикада ва Марказий Осиё минтақасида юқори малакали мутахассисларнинг шаклланишига катта ҳисса қўшди. Бевосита домла раҳбарлигида вояга етган 30 дан ортиқ фан кандидатлари ва докторлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилмоқдалар.

Инсон ўз умри давомида қилган ишидан кўнгли тўлса, ҳаётдан завқ-шавқ ва куч-қувват олади. Шу боис, домла — ажойиб педагог, ёшларнинг мураббийси, ўзига ва шогирдларига жуда талабчан, меҳрибон, хушфъел, адолатпарвар инсондир.

Тўхтамурод Жўраевич айни ижоди барқ уриб турган, янги-янги илмий асарлар, замонавий дарсликлар билан талабаларни мамнун этадиган ёшда. Бунга домла раҳбарлигида ҳамда бевосита иштирокида кўп томлик "Олий математика асослари" китобларининг ёзилаётгани ёрқин далилдир.

Ўзининг серқирра меҳнати ва фаолияти туфайли замонамизнинг таниқли олимига айланган муҳтарам устозимиз Т. Ж. Жўраевнинг 60 йиллик таваллуд тўйи билан чин дилдан муборакбод этиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган масъулиятли ва шарафли ишларида омад тилаб, яна кўп йиллар омон ва бардам бўлишларини истаб қоламиз.

Сафар АБДИНАЗАРОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор.
Обиджон ЗИКИРОВ,
физика-математика фанлари кандидати, доцент.

Суратда: академиклар М. Салоҳиддинов ва Т. Жўраев.

Олий нишон соҳиблари

«ДАРС БЕРИШ — УЛКАН БАХТ»

Ўқувчини дарсга қизиктира олиш осон иш эмас. Айниқса, математикага. Бу фанга қизиқувчилар ўқувчилар орасида бармоқ билан санарли даражада бўлади. Аммо, қайд этмоқ жоизки, ўқувчининг фанга қизиқиши ўқитувчининг маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Оқ олтин туманидаги "Оқ олтин" иқтидорли ўқувчилар мактабида барча ўқувчилар математика дарсларини орзиқиб кутишади. Бунинг сабаби, биринчидан, мактабнинг математика ва чет тилига ихтисослашганидан бўлса, иккинчидан, математика фани ўқитувчиси Мавлуда опа Қаюмованинг дарслари қизиқарли ва сермазмунлигидан. Бу ижодкор ўқитувчининг ҳар бир дарсини математика оламига янги бир саёҳат деб аташ мумкин.

— Энг аввало, ўқитувчининг ўз услуб мактаби бўлиши керак,— деб ҳисоблайди Мавлуда опа.— Дарсни бир хил қолип ва фақат дарслик асосида олиб бориш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Дарсни шунақа ўтиш лозимки, нафақат ўқитувчи, балки ўқувчи ҳам фаол иштирокчи бўлсин!

Дарҳақиқат, Мавлуда Қаюмованинг ўқувчилари математика тарихидан, буюк математиклар ижодидан, турли методик адабиётлардан ҳам яхши хабардор. Мантиқий фикрлаш борасида унча-мунча математиклар билан баҳс бойлаша олади.

— "Таълим-тарбия" деган бирикма кундалик ҳаётимизга чуқур сингиб кетган. Менга қолса "таълим-тарбия" деб эмас, "тарбия-таълим" деб атаган бўлардим. Сабаби, тарбия олган ўқувчигина таълим олади — бу ҳам Мавлуда опанинг фикри.

Ўқувчиларнинг тарбиясига ҳам, таълимига ҳам ўзини масъулиятли деб билан бу фидойи мураббия ўз дарсларида турли дидактик ўйинлардан "Ўйлаб топ" масалалари, "Топишмоқли масалалар" математик софизмлардан фойдаланиб ижобий натижаларга эришмоқда.

"Оқ олтин" иқтидорли ўқувчилар мактаби қошида математика тўгараги фаолият кўрсатади. Топқирлар клуби, викториналар мавжуд. Ундан ташқари, математик ҳафталик ва декадалар ҳам ўтказиб турилади. Буларнинг ҳамма-ҳаммасида ўқувчиларни дарсдан ташқари пайтларда ҳам математик билимлардан хабардор этишга интилган жонкуяр муаллиманинг хизматлари беқиёс.

Ҳа, сардобалик ўқитувчи аёл Мавлуда Қаюмова 23 йилдирки, шу зайл фаолият кўрсатиб, тинимсиз ижодий изланишлар олиб боради.

Мавлуда опанинг: "Мен учун дарс бериш дунёдаги энг улкан бахтдир",— деган бир гапи қулоқларим тагида жаранглайверади. Яқинда "Халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлган бу камтарин ўқитувчи аёлга ўзлари айтгандек: "Сабоқ ўргатишдек улкан бахтга яна узоқ йиллар мушарраф бўлаверинг",— деб тилак билдириб қолишни истардим.

З. УСМОНОВА.

ҚИЗИЛРАВОТЛИК ЗИЁКОР

Суҳбатдошимизнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам гўзал эди. Ёқимтой нигоҳларида мовий денгиз тўлқинлари мавжланаётгандек, очиқ чеҳрасида қалб оламининг беғуборлиги намоён бўлаётгандек. Унинг ибораларидаги аниқлик ва соддалик кишини ўзига ром этарди. Фикр юритишдан инсонга, табиатга бўлган меҳр-муҳаббати, педагогга хос бўлган фазилатлари, чуқур билими ва интилишларини илғаб олиш қийин эмасди. Ўзи немис миллатига мансуб бўлса-да, ўзбек тилида эркин сўзларди. Эҳтимол, уни сиз ҳам танирсиз. У — Владимир Иванович Вахтель, Уйчи туманидаги 45-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Дастлаб ундан таржимаи ҳоли ҳақида батафсилроқ сўзлаб беришни илтимос қилгандим, у лўнда жавоб бера қолди:

— Қизилравотда туғилганман. Учқўрғондаги 5-мактабни 1968 йилда битириб, йўлланма билан Белгород педагогика институтига бориб ўқидим. Олий маълумотли бўлгач, 1974 йилдан бери қишлоғимиздаги 9-ўрта мактабда ўқитувчилик қиляпман. Оилалиман. Уч ўғилнинг отасиман. Турмуш ўртоғим Людмила — руҳшунос-шифокор. Оиламизнинг барча аъзолари рус, ўзбек, ҳатто қирғиз тилида ҳам бемалол мулоқот қилишади.

Ундан мактаб ислоҳоти ҳақида, у ишлаётган билим масканидаги янгиланишлар тўғрисида сўрадим. "Замонавий билим маскани ўғил-қизларга билим ва ҳаётий йўналиш берибгина қолмай, уларга шодлик, қувонч, соғломлик, ахлоқий комиллик бахш этадиган муқаддас даргоҳ бўлмоғи керак, — деди Владимир Иванович. — Биз кўп йиллар давомида шунга интилдик ва маълум даражада эришдик ҳам. Биласизми-йўқми, илгари билим масканимиз тўқилай-тўқилай деб турган бинода жойлашганди. Синфхоналар тор, зах, ўқув-моддий база ночор, ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам қийин эди. Очиғини айтганда, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани мактабга эътиборни ўн чандон, балки юз чандон оширди. Хўжалик раҳбарлари ҳам тушуна бошлашди. Шу масалада "Қизилравот" давлат хўжалиги раҳбари Абдулфаттоҳ Шерматов ҳузурига кирганимизда фикримиз бир жойдан чиқди.

— Шундай мактаб қурайликки, ҳамма-ҳамма ҳавас қилсин, — деди у. — Лекин бу ишга ўзингиз бош-қош бўласиз.

Хўжалик маъмурияти ер ажратди, маблағ ажратди. Лойиҳалаштиришдан тортиб, мактаб қурилиши поёнига етгунча тиним билмадик.

Туман кенгашининг депутати сифатида муаммоларимизни катта йиғинларда кўтариб чиқиб, ҳал қилишга эринмадим.

Хуллас, Қизилравот қишлоғининг кўрки бў ган 834 ўринли 9-мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Мактабмисан — мактаб! Ҳар бир ўқитувчи ўз фан хонасига эга. Фақат рус тили бўйича 6 та фа хонаси мавжуд. Уларда магнитофонлар, ёритгич-кўрсатув усуллари, ўқитишнинг техникавий ва кўргазмали воситалари. "Саломат бўлинг!" комплексида 3 та спорт зали, баскетбол ва волейбол майдончалари, бассейн... Мактаб атрофи 2 гектарлик боғ. Теварагида 10 минг тўп терак кўкка бўй чўзиб турибди. Хиёбонлар ёқасида мевали дарахтлар — ёнғоқ, олма, гилос, беҳи, анор... Турли-туман гуллар.

60 кишилик педагогик жамоанинг таълим-тарбия ишидаги тажрибалари, янги иш услублари самараси тумандагина эмас, вилоятда ҳам эътиборда. Бу ерда туман ўқувчилари учун "Таянч тажриба мактаби", ўғил-қизлар учун спорт мактаби ва туман ўқитувчилар уйи бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Ана шу билим маскани ҳудудида мустақил 45-қирғиз мактаби ҳам очилган. Мен ҳозир 330 ўринли ана шу билим масканида дарс бераяпман.

— Сизни замонавий мактаб яратишнинг ташкилотчисигина эмас, ўз тажрибаларини синовдан ўтказаётган ижодкор ўқитувчи, деб таърифлашади, тўғрими?

— Бу мактабимиздаги кўпчилик ўқитувчиларга хос гап. Мен ҳам болаларга таълим беришда ўзига хос усуллар қўллайман. Мақсад — бола қалбига йўл топиш, у билан эркин мулоқотда бўлиб, илмий ва ҳаётий баҳс юритиш. Бунинг учун мавзулар бўйича 20 дан ортиқ кўрсатмали воситалар тизимини ҳам яратдим. Ҳозир мактабимизда "Оралиқ соати" тажрибасини ўтказаяпмиз. Яъни бизда ҳар бир дарс 40 минут, дарслардан тежалган дақиқалар ҳисобига 30 минутлик "Оралиқ соати" машғулотлари ўтказилади. Бу машғулот турлари хилма-хил бўлиб, уларда ўқувчилар хоҳишлари бўйича шуғулланадилар.

— Ўз касбингиздан мамнунмисиз?

— Албатта. Менинг муаллим бўлишимга ёрдам берган устозим Долимжон Раззоқовдан бир умр миннатдорман. "Ўқитувчи болаларни севсагина улар билан тил топиша олади ва уларнинг дўсти, мураббийсига айланади", деб уқтирарди у. Мен ўз фаолиятимда бунга амал қилиб келяпман. Қўшимча қилиб айтаманки, муаллим — болалар камоли деб ишлаши, яшаши, доимо янгилик излаши керак. Бу ҳаракат — келажак деб ёниб яшашдир...

М. РАҲМОНОВ.

СУРАТДА: моҳир педагоглар В. И. Вахтель, С. Султонов ва М. Қаюмова ўзаро суҳбатда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Кенг ва ёруғ хонада математика дарси борарди. Синфда жимжитлик. Фақатгина ўқитувчи Саъдулла Султоновнинг майин овози эшитилади. У илм толибларига математиканинг ҳаётдаги, фан-техника инқилобидаги ўрни ҳақида атрофлича тушунча беради, машғулотни кўргазмали ва қизиқарли ўтишга ҳаракат қилади.

Тошкент давлат университетининг математика факультетини 1961 йилда битирган, Саъдулла Султонов меҳнат фаолиятини Қорақалпоғистон Рèспубликаси Тўрткўл туманидаги Садриддин Айний номидаги 8-мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Кейинроқ эса мазкур мактабда директорлик лавозимида ҳам ишлади.

Саъдулла Султонов ҳар бир дарсга бирон янгилик билан келар, шу боис бўлса керак, зийрак ўқувчилар унинг сабоғини сабрсизлик билан кутишади.

— Ўқитувчи ҳамиша ўқиши, билимини ошириши, янгилик билан баробар қадам ташлаши керак, — дейди Саъдулла Султонов. — Ҳар бир дарсга бир-бир ярим соат тайёргарлик кўраман. Жумладан, кўргазмали қуроллар ҳозирлайман, мавзуга оид дарсликдан ташқари манбалар билан танишаман. Ҳар бир синфга тааллуқли кўргазмали қуролларни камида бир боб учун аввалдан тайёрлаб қўяман.

Тажрибали педагог мисол ишлашнинг бир эмас, бир неча йўлларини, масала ечишда эса аввал мазкур масалага йўналтирувчи масалаларни ечиб кўрсатади. Такрорлаш — билимнинг онаси, деганларидек, дарсда такрорлашга алоҳида аҳамият беради. Ёзма ишлар карточка системасида ўтказилади, яъни ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида вариант тарқатилади. Бу ўқувчи масъулиятини янада ошириб, мустақил ишлашга одатлантиради. Фидокор ўқитувчи Саъдулла Султонов ўқувчиларга шу тарика билим бериб, уларда математикага ҳавас уйғотмоқда.

Унинг қўлида таҳсил олган шогирдларидан Собир Ортиқов, Давлат Мадаминов, Алишер Мадаминов ҳозирда устоз билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда. Саъдулла Султонов нафақат мактабда, балки оилада ҳам ўз издошларига эга. У тўрт қиз ва икки ўғилнинг ардоқли отаси. Қизлари — Ойша, Фотима инглиз тилидан, Лола эса меҳнат таълимидан сабоқ беришаётир. Отаулла Тошкент химия-технология институти талабаси.

Тиниб-тинчимас, жонкуяр педагог Султоновнинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги шарафли хизматлари муносиб тақдирланди. Кўксини "Шавкатли меҳнати учун" медали, "Халқ маорифи аълочиси" нишони безаб турган Саъдулла Султонов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига сазовор бўлди.

Ҳа, меҳнат қилган элда азиз, дейди доно халқимиз. Саъдулла Султоновга ёшларни тарбиялаш, фан чўққилари сари етаклашда омад тилймиз!

Д. ХЎЖАЕВА.

Меҳнат таълими

МЕҲР УЙҒОТИБ

Муқаддасхон болалигиданоқ бувиси Инобат аянинг касби-тикувчиликка меҳр қўйди. Орзихон Ўринбоева номидаги 18-ўрта мактабни муваффақиятли битиргач, Полвонтошдаги 40-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кириб, уни аъло баҳолар билан тамомлади.

У дастлаб Марҳамат туманидаги 42-мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишлади. Ҳозир эса Ҳамиджон Исоқов номидаги 12-ўрта мактабда ўқувчиларга бичиш-тикиш, пазандалик ва уй-рўзғор ишларидан сабоқ бериб келаётир.

Илм масканида дурадгорлик, чилангарлик ҳамда тикувчилик, пазандалик хоналари мавжуд бўлиб, улар ўқув дастурлари асосида турли хил чизмали стендлар билан намунали жиҳозланган. Тикувчилик хонасида 10 та тикув дастгоҳи бўлиб, қизлар кийим-кечак тикишни ўрганишмоқда. Хонада "Лектор 2000", "Эпидиаскоп", "Пратон" маркали диапроектор ва бошқа техника воситалари ҳам бор.

Муқаддасхон мактабда "Моҳир қўллар" тўгарагига ҳам раҳбарлик қилаётир. Унга кўпгина юқори синф ўқувчилари жалб этилган.

Ҳозирги кунда мактабни тугатганлардан тикувчилик ва тўқувчилик соҳасида ишлаётганлар оз эмас. Кейинги йилларда илм даргоҳини б тирган 120 қиздан 35 нафари Марҳамат шаҳридаги ип-йигирув ва тўқув фабрикасида ҳамда тикувчилик кичик корхоналарида меҳнат қилишаётир.

Муқаддасхон ёш авлодга меҳнат тарбияси беришда ва ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлашда фаоллик кўрсатмоқда.

— Меҳнат таълими ўқитувчиси М. Оташеванинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида туман мактаблари меҳнат таълими ўқитувчиларининг кўргазмали семинарлари ўтказиб турилади. Муаллимлар бу ердаги тажрибаларни ўзлари ишлаётган мактабларда кенг қўлламоқдалар, — дейди туман халқ таълими бўлими методика хонаси мудири А. Исоқов.

Ўз соҳасининг жонкуяри, моҳир педагог М. Оташева мактабда меҳнат таълими услубият бирлашмаси шўъбаси раҳбари ҳамдир.

А. ЭРАЛИЕВ.
Андижон вилояти.

"Маърифат" хабарлари

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги 88-мактабга ҳарбий таълим раҳбарлари, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, услубчилар, уруш ва меҳнат ветеранлари тўпланишди.

Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига бағишланган мазкур семинарни Юнусобод туман халқ таълими бўлими методисти Н. Г. Мухаметов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Олий Кенгаши XVI сессияси томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишда ўқитувчи ва халқ таълими ходимларининг вазифалари ҳақида гапирди.

Туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси И. А. Абдурахмонов ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида маъруза қилди. Нотиқ ёшларни ватанпарварлик, байналмилалчилик руҳида тарбиялаш шу куннинг долзарб масалаларидан эканлигини алоҳида қайд этди.

Тумандаги 247-мактаб ҳарбий таълим раҳбари В. С. Колбас ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Шунингдек, семинарда уруш ва меҳнат фахрийси Й. Туртаев, ёшлар ўртасида иш олиб бориш комиссияси раиси Э. Қосимовалар ҳам сўзга чиқишди.

Юнусобод туман халқ таълими бўлими мудири Н. Жалолов ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда қўлга киритилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммолар ҳақида тўхталиб ўтди.

Семинар иштирокчилари мактабнинг "Жанговар ва меҳнат шуҳрати" музейи билан танишишди.

Э. БУРХОНОВА.

ЯХШИ ДАМ — СУҲБАТГА ҲАМДАМ

Ётоқхона талабанинг иккинчи уйи ҳисобланади. Машғулотлардан ҳориб қайтган йигит-қизларнинг бу ердаги ҳаётини мазмунли ўтказиш мақсадида институт раҳбарлари талабалар ётоқхоналарига тез-тез ташриф буюриб, қизиқарли суҳбатлар ташкил этишади.

Яқинда 2-Тошкент давлат тиббиёт институтини 4 ва 8-ётоқхонасида шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Унда институт даволаш факультети декани профессор А. Ҳакимов, тарбиявий ишлар бўйича ректор муовини Ў. Обилов, касаба уюшмаси раиси Ғ. Умаров, Ёшлар иттифоқи раиси М. Усмоновлар қатнашдилар.

Очиқ мулоқотда Собир Раҳимов тумани милиция бўлими бошлиғи муовини М. Ҳамидов, туман милицияси жиноят қидирув бўлими ходими А. Турсунмуродов, "Шифокорлар шаҳарчаси" участка милиция ходими, подполковник У. Сувоновлар йиғилганларнинг саволларига жавоб беришди.

Ф. ҲОЖИҚУЛОВА.

ДИЗАЙНЕР СИНФИ

Истиқлол шарофати туфайли барча соҳаларда, жумладан, таълимда ҳам ташаббускорликка кенг йўл очилди. Ўқувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий меросимизни ўргатиб бориш асосий мақсад қилиб қўйилди. Ана шуларни назарда тутиб, мактабимизда янги ўқув йилидан бошлаб дизайнер синфи очилди. Унга 5-синфда таҳсил олаётган 26 нафар иқтидорли, қобилиятли ўқувчи танлаб олинди. Расм-чизмачилик ўқитувчиси Исмат Муҳаммадиев мазкур синфни очиш ташаббуси билан чиқди. Беш йилга мўлжаллаб ўқув режаси тузилди.

Дизайнер синфида миллий санъатимиз, миллий ҳунармандчилик сирлари ўргатилади. Чунончи, ўқувчилар тасвирий санъат, буюмларга ишлов бериш, кулолчилик, кандакорлик (ўғил болалар), тикиш, тўқиш, каштачилик, зардўзлик (қиз болалар) каби касблар бўйича сабоқ оладилар. Уларнинг таълим олишлари учун барча шароит мавжуд. Яхши жиҳозланган ўқув хонаси ва устахоналарда ўқувчилар дастлабки сабоқни бошлаб юборишдилар.

Шаҳардаги ёш техниклар маркази ва ўқувчилар саройи қошида ташкил этилган тўгаракларда раҳбарлари билан шартнома тузилди. Ўқувчилар дарсдан сўнг ана шу тўгаракларда танлаган йўналишлари бўйича билимларини мустаҳкамлайдилар.

Матлуба АШУРОВА,
Шаҳрисабз шаҳар Бедил номидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Анъаналар этади давом

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

Вақтнинг тизгини йўқ. Умр қанчалик тез ўтганини билмай қоласиз. Яқиндагина мактаб партасида ўтирган йигит-қизларнинг сочлари оқариб, бува ва буви бўлиб қолганларига ишонгингиз келмайди. Яқинда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабни бундан 40 йил илгари битирган шогирдлар ва устозларнинг анъанавий учрашуви катта шодиёнага айланиб кетди.

Мактабнинг собиқ ўқувчиларини ўғил-қизлар қучоқ-қучоқ гуллар билан кутиб олишди. Байрамона безатилган мажлислар зали стендлар, фотосуратлар, шиорлар билан безатилган. Устозлар ва шогирдларнинг, синфдошларнинг қучоқ очиб кўришишлари, ширин суҳбатларини кузатганлар дилида аллақандай ёқимли ифтихор туйғулари жўш уриши шубҳасиз.

Ҳа, бу ажойиб илм масканининг устозлари ўз шогирдлари билан ҳақли равишда фахрланишади. Ярим асрдан ортиқроқ умрини болаларга бахшида этган жонкуяр мактаб директори, халқ ўқитувчиси Ҳоким Ҳошимов собиқ талабаларнинг дийдорлашув кечасини очиб, мазкур учрашув илм даргоҳи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тўғри келганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўтган давр мобайнида мактабни қанчадан-қанча йигит-қизлар битириб, ҳаётга йўлланма олди. Улар орасида ажойиб саркарда, уруш қаҳрамони генерал Собир Раҳимов, генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов, шоирлардан Қуддус Муҳаммадий, Туроб Тўла, Пўлат Мўмин, Мақсуд Қориев, Эркин Воҳидов, Қудрат Ҳикмат, Тўлқин Илҳомов, Муқаддас Абдусаматова ва бошқаларнинг номларини келтириш мумкин.

Учрашувда қатнашаётган синфдошлар синфида 30 ўқувчи таълим олганди. Ҳозирги кунда улардан 3 киши фан доктори, 7 киши фан номзоди илмий даражаларга эга. Шулардан бири Қудратилла Латипов. У техника фанлари доктори, профессор, кўплаб рисолалар, дарсликлар муаллифи. Ҳозирги кунда у Тошкент давлат университетида кафедра мудири.

Биология фанлари доктори Абдулла Қориев эса "Биолог" бирлашмасида етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА: учрашув кечасидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Одобнома

Ғуломиддин АКБАРЗОДА

ЎН БИРИНЧИ ТИМСОЛ

ПАШША ИЛА ҲЎКУЗ

Бир кун бир пашша бир ҳўкизнинг шохига қўнуб ўтуруб, ул ҳўкузга: "агар менинг ўтурганим сизга оғирлиг қилса, хабар беринг, ман учуб кетарман", деди. Ул ҳўкуз: "сенинг келиб ўтурганингни билганим йўқ эди. Шунга ўхшаш кетсанг ҳам билмасман" деди.

Маъноси: баъзи одам бўлурки, ўзини катта, иътиборлиг одам олур. Ҳолбуки, одамлар уни иътиборга олмаслар ҳам.

Байт: Кишида бўлса, ман-манлиг ўзини хор-у зор айлар,
Кетиб қадр-и ҳайотин ўтмагани хор-у зор айлар.
Ўзингга боқма жоним ўзгани ҳолига, кўз солгил.
Кўруб мақбул ишни андин ибрат ўзингга олгил.

ЎН ИККИНЧИ ТИМСОЛ

БИР ОДАМ ИЛА ЎЛУМ

Бир одам бир орқа ўтун кўтариб келар экан, йўлда ўтуни оғирлиг қилиб, чарчаб камбағаллигидан шикойат қилиб, бул камбағалликдан ўлган яхши деб: "эй, ўлум, қайдасан!" деб ўлимни чақирди. Ўша онда ўлум келиб: "эй, биродар лаббай, нимага чақирдингиз" деганида, ул камбағал бечорани чарчагани ҳам, камбағаллиги ҳам эсидан чиқиб, сакраб ўрнидан туриб ўтунининг арқонини ушлаб: "эй, ака, ўтунумни орқамга кўтартуруб қўйинг деб, чақириб эдим", деди.

Маъноси: одам ҳар қанча хор бўлса ҳам тириклигини яхши кўрар.

Байт: Бевофо дунёни кўрким, ҳеч киши узмас умид,
Жавр зулми ортса, тортар ҳеч киши узмас умид.
То ҳайоти борича кўрмаса роҳат йўзин,
Роҳат истаб, роҳат истаб ҳеч киши узмас умид.

ЎН УЧИНЧИ ТИМСОЛ

БИР ОДАМ ИЛА БИР БОҒБОН

Боғбон боғда гулларга сув бериб тарбия қилиб йуруб эди. Бир одам келиб: "саҳролар, бийобонлардаги гулларни ҳеч бир одам тарбия қилмаса ҳам, хўб яхши бўлиб, кўб вақтлар тўкулмай турар. Боғлардаги гуллар шунча тарбия қилинса ҳам, дарров тўкулуб кетар", деди. Боғбон саҳродаги гулларни тарбия қилгучи ўзининг онасидур. Боғлардаги гулларни тарбия қилгучи ўтай онасидур" деб жавоб берди.

Маъноси: ўз онасининг тарбияси болаларга ўтай онасининг тарбиясидан яхшидир.

Байт: Киши ўз наслини тарбиятда кеча-ву кундуз,
Камола еткарурнинг ҳимматида кеча-ву кундуз.
Киши тарбиятин кўрмай, урар ўз жонжонига,
Кўзи нури каби сақлаб дилида кеча-ву кундуз.

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Спорт

ЖОНКУЯР

Раҳим Каримов қирқ йилдан зиёд спорт соҳасида самарали меҳнат қилмоқда Ҳозирда у Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс бўйича бош мураббийлик қилаётир.

Р. Каримов тарбиялаб вояга етгазган шогирдларининг кўпчилиги халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. У Республика олимпия билим юртига муносиб кадрлар тарбияламоқда. Унинг собиқ ўқувчилари — бокс бўйича мамлакат чемпионлари Руслан Шагаев, Зокиржон Хусанов, Умид Ҳайдаров ва бошқалар республика терма командаси аъзоси сифатида қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Жонкуяр ўқитувчи, етук мураббийнинг илғор иш тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилаётир.

Ш. КЕЛДИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва республика Телерадио компанияси 1994-95 ўқув йилига мўлжалланган ўқув кўрсатувлари мавзулари

НОЯБРЬ

Табииёт (5-синф). Табиатда куч ва энергия — 10 ноябрь.

Ботаника (6-синф). Илдиз-ўсимликларнинг асосий органи — 2 ноябрь.

Зоология (7-синф). Сувда ва қуруқликда яшовчилар — 9 ноябрь.

Информатика (8-синф). Ахборот-информатика ўрганадиган асосий объект — 1 ноябрь.

География (9-синф). Ўзбекистон хўжалигидаги тармоқлараро ишлаб чиқариш комплекслари — 15 ноябрь.

Математика (9-синф). Тенгламалар системалари — 3 ноябрь.

Физика (9-синф). Эгри чизиқли ҳаракат — 10 ноябрь.

Ўзбекистон халқлари тарихи (9-синф). Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда фан ва маданият юксалиши — 24 ноябрь.

Давлат ва ҳуқуқ асослари (9-синф). Халқаро ҳуқуқ: моҳият ва мазмуни асослари — 16 ноябрь.

Адабиёт (9-синф). Аҳмад Яссавий. "Ҳикматлар" — 22 ноябрь.

Умумий биология (10-синф). Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари — 23 ноябрь.

Адабиёт (10-синф). "Бобурнома" — ўзбек насрининг ноёб намунаси — 22 ноябрь.

Физика (10-синф). Суюқликнинг хоссалари — 17 ноябрь.

Физика (11-синф). Электромагнит тебранишлар — 24 ноябрь.

Адабиёт (11-синф). Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар" асари — 29 ноябрь.

Информатика (11-синф). Бейсикдаги бажариладиган операторлар — 8 ноябрь.

Умумий биология (11-синф). Ҳужайрада модда ва энергия алмашинуви — 30 ноябрь.

ДЕКАБРЬ

Табииёт (5-синф). Ҳаво — ердаги ҳаёт манбаи — 15 декабрь.

Ботаника (6-синф). Баргнинг тузилиши ва унинг аҳамияти — 7 декабрь.

Зоология (7-синф). Судралиб юрувчилар синфи — 14 декабрь.

Информатика (8-синф). ЭҲМнинг арифметик ва физик асослари — 6 декабрь.

География (9-синф). Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш — 20 декабрь.

Математика (9-синф). Кетма-кетликлар. Прогрессиялар — 21 декабрь.

Ўзбекистон халқлари тарихи (9-синф). Амир Темур давлатида ижтимоий — сиёсий ҳаёт — 22 декабрь.

Физика (9-синф). Динамиканинг асосий масаласи — 20 декабрь.

Адабиёт (9-синф). Рабғузий. "Ҳикоятлар" — 27 декабрь.

Умумий биология (10-синф). Органик оламнинг ривожланиши — 28 декабрь.

Физика (10-синф). Қаттиқ жисмларнинг механик хоссалари — 21 декабрь.

Адабиёт (10-синф). Машраб лирикаси — 13 декабрь.

Кимё (11-синф). Оқсил ҳосил қилувчи асосий аминокислоталар — 12 декабрь.

Физика (11-синф). Электромагнит тўлқинларнинг тарқатиш ва қабул қилиш усуллари — 29 декабр.

Математика (11-синф). Иррационал тенгламалар — 14 декабрь.

Адабиёт (11-синф). Чўлпон "Кеча ва кундуз" романи — 22 декабрь.

Информатика (11-синф). Бейсикдаги бажариладиган операторлар — 13 декабрь.

Давоми. Боши газетамизнинг 14 сентябрь сонида.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1 ноябрдан қуйидаги курслар ишлай бошлайди

Курсларга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Туман (шаҳар) химия, биология, география метод бирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи — 14-26 ноябрь.
2. Янги дастур бўйича тарих ўқитувчилари учун маърузачилар гуруҳи — ўзбек гуруҳи — 1-12 ноябрь.
3. Туман (шаҳар) ХТБ ўзбек тили ва адабиёт кабинети методистлари — ўзбек гуруҳи — 1-26 ноябрь.
4. Қозоқ тили ўқитувчилари — қозоқ гуруҳи — 14-26 ноябрь.
5. Туман (шаҳар) ХТБ чет тиллар методистлари — ўзбек гуруҳи — 1-26 ноябрь.
6. Олий ва 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-26 ноябрь.
7. Талаффузида камчилиги бўлган болалар боғчаларининг тарбиячилари — ўзбек гуруҳи — 1-26 ноябрь.
8. Янги типдаги мактаб (лицей, гимназия)ларнинг тарих, география ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-12 ноябрь.
9. Математиканинг долзарб масалаларига оид муаммоли курс — ўзбек гуруҳи — 1-12 ноябрь.
10. Туман (шаҳар) ХТБ жисмоний тарбия методистлари — ўзбек гуруҳи — 1-12 ноябрь.
11. Жисмоний тарбия ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 14-19 ноябрь.
12. Ўрта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи — 1-26 ноябрь.
13. Туман (шаҳар) мактаб назоратчилари — ўзбек гуруҳи —1-2 ноябрь.
14. ВЎМОИ табиий фан методистлари — ўзбек гуруҳи — 14-26 ноябрь.
15. Рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг мусиқа ўқитувчилари — рус гуруҳи — 1-26 ноябрь.
16. Янги дастур бўйича ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари (Навоийда) — ўзбек гуруҳи — 7-12 ноябрь.

Мактабгача тарбия ходимлари малакаси ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсда 1994 йил 1 ноябрдан — 27 ноябргача навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Мактабгача тарбия вилоят, шаҳар, туман боғчаларининг мудира ва услубчилари. 11/XI-27/XI-94 йил.
2. Вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бошқарма назоратчилари ва услубчилари. I(XI—15)XI—94 йил.
3. Вилоят мактабгача тарбия халқ таълими муассасаларида айрим янгиликлар бўйича маърузачилар (лекторский) гуруҳи. 1/XI-15/XI-94 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санатория-профилакторийга 1-5 ноябргача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефон: 46-98-04, 46-06-62.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» 1995 ЙИЛДА

"Шарқ юлдузи" халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, Ўзбекистон Мустақиллиги ғояларини амалга ошириш учун хизмат қилаётган етакчи адабий журнал эканини биласиз. Ҳали истиқлол рўй бермасдан турибоқ журналда Қуръони Каримнинг маъно таржимаси эълон қилингани, "Темур тузуклари", "Тўрт улус тарихи" сингари қадрли асарлар, Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби алломаларнинг кўпчиликка маълум бўлмаган насрий, шеърий ва драматик асарлари чоп этилганидан хабарингиз бор. Ўтган йил давомида ҳам журнал саҳифаларида эълон қилинган Ўлмас Умарбековнинг "Фотима ва Зуҳра", Одил Ёқубовнинг "Адолат манзили" романлари, қатор достонлар, тарихга оид ҳақиқатни ифодаловчи мақолалар ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Журналнинг келгуси йил режалари янада қизиқарли. "Шарқ юлдузи" 1995 йил учун ўз ўқувчиларига мутлақо янги ва кўп жиҳатдан кутилмаган совға тайёрлади.

Бундан қарийб 30 йил аввал "Гулистон" журналида "Темур тузуклари" китобининг дастлабки бобларини нашрга тайёрлаб чоп этган ва бунинг эвазига истибдод тузумининг кўп маломатларига қолган улкан аллома Алихон Соғуний мақолаларидан бирида Амир Темур ўз қўли билан ёзган ажойиб китоб борлигини таъкидлаган эди. Ўша китоб топилди! 1995 йил январь ойидан бошлаб "Шарқ юлдузи"да "Мен — фотиҳ Темур" китобини сонма-сон эълон қилиш ниятидамиз. Муҳими шундаки, асар сарлавҳаси остига "ўз қўли билан ёзилган" деган илова берилган. Маълум бўлишича асар чиғатой тилида битилган. Темур вафотидан кейин тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга бориб қолган. Ҳиндистондан Англияга, Оксфорд университетига олиб кетилган ва 1783 йили инглиз тилида китоб қилиб чоп этилган. Кейинчалик чиғатой тилидан фаранг тилига ўгирилган ва Францияда китоб бўлиб чиққан. Журналда чоп этилаётган асар Эронда нашр қилинган форс тилидаги китобдан замонавий ўзбек тилига ўгирилган.

Асар ҳажми анча катта — 900 саҳифалар келади. Биз бу китоб ҳақида бир қадар батафсил тўхтатилишимизнинг сабаби шундаки, мустақиллик шарофати билан улуғ бобомиз Амир Темурнинг пок номи тикланди. Тошкент марказида унга маҳобатли ҳайкал қўйилди. Ҳолбуки, кўп асрлар давомида Темур шахсига қараш мутлақо қарама-қарши бўлган. Баъзи тарихчилар уни идеаллаштириб тасвирласа, бошқалар нуқул ёмонлаш билан овора бўлдилар. Ушбу асар соҳибқирон босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли ҳақида ғоят мароқли ва ишонарли китобдир. "Мен — фотиҳ Темур" асари "Зафарнома", "Темур тузуклари", "Темурнома" ва бошқа илмий, тарихий, бадиий асарлардан шуниси билан фарқ қиладики, унда Темур туғилган кундан бошлаб умрининг поёнигача кечган воқеалар тарихий ва бадиий жиҳатдан ишонарли ва мукаммал тасвирланади.

Китобда таъкидланишича, Темурнинг отаси Тарағай Кеш вилоятида яшаган. Озгина ери ва 20-30 йилқиси бўлган. Тарағай кунлардан бирида ғалати туш кўради. Ҳобида нуроний бир одам унинг қўлига қилич тутқазади. Тарағай эртасига бомдод намозидан кейин шайх Зайниддиндан кўрган тушининг таъбирини сўрайди. Шайх унга "сен ўғил кўрасан, бу ўғлон дунёни забт этади", дейди. Чиндан ҳам оилада ўғил туғилади: Тарағай яна шайх Зайниддиннинг олдига боради. Бу пайтда шайх Қуръони Каримнинг 67-сураси — "Мулк" сурасини ўқиб ўтирган бўлади. Тарағай кириб келганида шайх "Тамуру" (узлуксиз ҳаракат) деган сўз устида тўхтайди ва "ўғлингга Темур деб исм қўйгин", дея фатво беради.

Айрим мутахассислар бу асарнинг айнан Амир Темур томонидан ёзилганига шубҳа билдиришлари табиий. Чунки бизга кўп йиллар давомида Темур каллакесар бўлган, ёввойи, саводсиз эди, деб ўргатиб келишди. "Мен — фотиҳ Темур"ни ўқиган китобхон бу гаплар туҳмат эканига ишонч ҳосил қилади. Китоб бошдан-оёқ биринчи шахс тилидан ёзилган. Бироқ асосий гап бунда ҳам эмас. "Мен — фотиҳ Темур"да шундай далиллар борки, улар асарни Темурнинг ўзи ёзганини исботлайди. Китобнинг бир ерида шундай таъкид бор: "Мен ушбуни 70 ёшимда чап қўлим билан ёзяпман. Ўнг қўлим ҳамон шамшир тутишга қодир, аммо жароҳатлардан сўнг қалам тутишда қийинчилик сезадурман". (Чиндан ҳам шамширни бемалол ишлата оладиган қўл нозик патқаламда хат ёзишга қийналиши мумкин). Мазкур асарда таъкидланишича Соҳибқирон жангларда 172 марта жароҳатланган экан. "Чапақайлик" далили эса асар бошидаёқ айтиб ўтилади.

Муаллиф шундай ҳикоя қилади. "Кичкина болалигимда онамдан эшитган ва хаёлимда қолган бир гап бор. Онам менга қараб "вой, бу бола чапақай экан" деди. Шундан сўнг бўлажак Соҳибқирон ўнг қўлида ҳам, чап қўлида ҳам бирдек ҳуснихат билан ёзгани, ҳар иккала қўли билан бир хилда қилич чопганини ҳикоя қилади. Темур жуда кичкиналик чоғида мактабга боради. Уни Мулла Алибек исмли домла ўқитади. Соҳибқиронинг ҳикоя қилишича, Мулла Алибек кекса одам бўлган, тиши тўкилиб кетгани учун кўп сўзларни яхши талаффуз қилолмаган. Бундай далилни Темурнинг ўзидан бошқа одам ёзиши мумкин эмас. Тағин бир гап. Темур ўсмир ёшига етмасданоқ Қуръонни бошдан-охиригача ёд олган. Уни катта уламолар имтиҳон қилиб, хотираси зўрлигига тан беришган ва ёш болага " офиз" унвонини тақдим этишган. Бўлажак Соҳибқирон отасининг маслаҳати билан жуда ёшлигиданоқ жанг усулларини мукаммал ўрганган.

Шу ўринда яна бир нарсани эслашга тўғри келади. 1941 йили Гўри Амир очилгач, Герасимов Соҳибқирон бош чаноғидан Темур суратини чизади. Суратда Темур тўпори ва ярим вахший қилиб тасвирланган. Асл да эса Амир Темур ғоятда хушсурат ва бақувват одам бўлган экан. У мадрасада ўқиб юрганида, 15 ёшида ўзид н анча катта, Кешнинг бадавлат оилаларидан чиққан Йўлдош исмли кимса унга чидаб бўлмас ҳақоратли гап айтади. Шунда Темур Йўлдошни камондан ўқ узиб ўлдиради. Китобда бу манзара шу қадар "деталлаштириб" тасвирланганки, уни муаллифдан бошқа одам ёзиши шубҳали.

Бўлажак Соҳибқирон ўн олти ёшгача фақат диний эмас, кўплаб дунёвий фанлар — тарих, фалсафа, жўғрофия, ҳисоб ва бошқа илмларни мукаммал эгаллайди. "Аммо, — деб ёзади у, — ёшим етмишга етганда ҳам тиб ва нужум (медицина ва астрономия) фанларини яхши эгаллай олмадим". Тағин бир жойда бундай дейди: "Мен Ернинг думалоқ эканлигига аллақачон ишонганман". Ўша пайтда бу фикрни айтиш ҳатто шаҳаншоҳ учун ҳам катта жасорат эди.

Бундай фактлар бобомизнинг кўп томонлама комил инсон бўлганидан дарак беради. Бир қатор олимлар, хусусан рус тарихчилари Амир Темурни камситиш ниятида у ёшлигида от ўғриси бўлган, ўғрилик қилаётиб оёғи чўлоқ бўлиб қолган, деган гапни кўп дастак қиладилар. Турли манбаларда бу ҳодиса турли жойларда рўй берган, деб таъриф этилади. Мазкур китобда эса 1369 (мелодий) йилда Тошкентдаги катта жангда Соҳибқироннинг чап оёғи болта зарби билан (қилич ёки найза эмас, айнан болта билан) оғир шикастланганлиги, Тошкент қалъасини фақат эрқаклар эмас, аёллар ҳам қўлида қурол билан қаттиқ қимоя қилгани эътироф этилади .ва бу воқеалар бутун тафсилоти билан ҳикоя қилинади.

Амир Темур, шубҳасиз, Ислом динига чуқур эътиқод қўйган: намоз ўқиган, рўза тутган. Аммо хурофотни жуда ёмон кўрган. Судхўр, ёлғончиларни аёвсиз жазолаган. Чексиз салтанатида битта ҳам қароқчи ва йўлтўсарни тирик қолдирмаган. Ўғриларни жазолашнинг энг оқил усулини қўллаган: биронта фуқарони ўғри босса, шу масалага мутасадди бўлган амалдорга ўғрини топиш учун маълум муддат берган. Шу пайтда ўғри топилмаса ўша амалдорнинг ўзини қўлини кесган. Натижада мамлакатда ўғрилар тезда йўқолган.

Тасарруфидаги мамлакат раҳбарлари — хонлар, амирлар, беклар, ҳокимларга, ҳузурига ким кириб келишидан қатъи назар, оддий шикоятчими, давлат арбобими, улар билан тахтда ўтириб муомала қилишни ман этган ва ўзи ҳам ҳузурига кирганлар билан тахтда эмас, ерда, гилам устида ўтириб гаплашган. Лашкар билан сафарга чиқса, ҳеч қачон ўзи учун махсус ошпаз олиб юрмаган. Аскарларнинг умумий қозонидан овқатланган. У душманларни аёвсиз қиргани, кўп юртларда қатли ом қилганини ҳам яширмай ёзади. Аммо илм, ҳунар ва санъат соҳибларини қаттиқ ҳурмат қилган. Фирдавсий, Ҳофиз каби шоирларнинг кўп ғазалларини ёддан билган. Шатранжда яхши ўйнаган...

Хуллас, "Мен — фотиҳ Темур" асарини ўқиган китобхон кўз ўнгида тарихий қадриятларимизнинг яна бир ёрқин саҳифаси очилади.

Табиийки, "Шарқ юлдузи"да 1995 йилда ҳам адиб ва шоирларимизнинг етук асарлари мунтазам ёритиб борилади. Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" романининг иккинчи китоби, Шукур Холмирзаевнинг туркум ҳикоялари, Омон Матжоннинг "Шайх Нажмиддин Кубро" тарихий фожиаси, Эркин Аъзамовнинг "Шоирнинг тўйи", Хайриддин Султоновнинг "Бобур Мирзо қиссаси" асарлари, таниқли шоирлар, шунингдек, истеъдодли ёшларнинг шеър ва достонлари, умуминсоний ва миллий қадриятларни улуғловчи мақолалар эълон қилинади.

Журналхонлар "Шарқ юлдузи"га ўз вақтида обуна бўлсалар адашмайдилар, деб ишонамиз.

Журнал индекси — 75458.

БИР ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ. — 157 СЎМ 20 ТИЙИН.

Ўткир ҲОШИМОВ,
журнал Бош муҳаррири.

Низомий номидаги Тошкент давлат педогогика институти ректорати ва ижтимоий ташкилотлари ҳамда мусиқа факультети жамоаси кечки ва сиртқи бўлим проректори Ҳамидулла НУРМАТОВга акаси, уруш ва меҳнат фахрийси

Убайдулла НОРМУҲАМЕДОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва жамоат ташкилотлари одам ва ҳайвонлар анатомияси ва физиологияси кафедрасининг доценти

Тошпўлат АБДУЛЛАЕВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси "Мураббий" газетасининг муҳаррири Н. Абдуллаевга отаси

Салмонжон АБДУЛЛАЕВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбай Матқурбонов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1199. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6